

Таҳоратни “бисмиллаҳ” билан бошлаш ҳақида

20:17 / 22.04.2017 6232

Ибн Масъуд Косоний “Бадаиъ”да: “Таҳорат қилувчидан талаб қилинадиган нарса поклик. “Бисмиллоҳ”ни айтишнинг бунга дахли йўқ. Сабаби сув пок яратилган. Сувнинг поклаши банда амалига боғлиқ эмас”, деган. Бу билан таҳоратни “бисмиллаҳ” билан бошлаш шарт эмас, балки фазилатдир, дейилмоқчи.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Таҳорати йўқ киши учун намоз йўқ. Аллоҳ таолонинг исмини зикр қилмаган киши учун таҳорат йўқ” (Абу Довуд, Термизий, Ибн Можа, Аҳмад, Ҳоким, Дароқутний, Табароний “Кабийр”да ривоят қилган. Ҳадис санади саҳиҳ).

Ушбу ҳадисни уламолар икки хил талқин қилишган. Баъзилар: “Ҳадисга кўра, “бисмиллаҳ”ни айтмаган кишининг таҳорати дуруст бўлмайди”, дейишса, бошқа тоифалар: “Бу ердаги инкор комилликни инкор қилишдир. “Бисмиллаҳ”ни айтмаган банданинг таҳорати мукамал бўлмайди, савобни тўлиқ ололмайди”, дейишган.

Аҳли зоҳирлар, хусусан имом Аҳмад ибн Ҳанбалга кўра, “бисмиллаҳ” айтмаса, таҳорат дуруст бўлмайди. Баъзилар буни мустаҳаб, дейишган. Исҳоқ айтади: “Агар “бисмиллоҳ”ни атайин тарк қилса, таҳоратини қайтадан қилади. Агар эсидан чиқиб қолса, унинг таҳорати жоиздир”. Валийуллоҳ Дехлавий “Ҳужжатуллоҳил балиғо” китобида: “Ушбу ҳадис таҳоратда “бисмиллоҳ” айтиш рукн ёки шартлигига етарли далилдир. Балки у таҳоратнинг комил бўлмаслигини англатиши ҳам мумкин. Лекин мен бу таъвилга қўшилмайман. Чунки у анча узоқ таъвилдир”, деган. Имом Молик: “Таҳоратда “бисмиллоҳ” дейиш фарз. Агар унутса, қалб билан “бисмиллоҳ” дейиш тил билан айтиш ўрнига ўтади”, деган.

Ҳасан Басрий, Исҳоқ ибн Роҳвайҳ ва аҳли зоҳирлар таҳоратда “бисмиллоҳ” айтиш вожиблигини айтишган. Ҳанафий, шофеъий ва моликийлар уни суннат, дейишган. Бунга улар бир неча ривоятларни далил қилиб келтиришади. Ана ўша ривоятларнинг энг кучлиси шуки, Усмон ва Али розийаллоҳу анҳумолар томонидан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва

салламнинг таҳорат қилишлари ҳақида келтирилган ривоятларда “бисмиллоҳ” зикр қилинмаган. Агар таҳоратдан олдин ушбу калимани айтиш шарт бўлганида, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам уни айтган ва саҳобалар ҳам “бисмиллаҳ”ни қолдирмасдан ўз ривоятларида зикр қилган бўлар эдилар.

Оиша розийаллоҳу анҳо ривоят қилади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам таҳорат қилмоқчи бўлсалар, “бисмиллаҳ” дер эдилар” (Дароқутний “Сунан”да ривоят қилган).

У зотнинг одатлари шундай эди. Ҳар бир ибодатдан олдин Аллоҳ таоло исмини зикр қилар эдилар.

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Аллоҳнинг номини зикр қилмаган таҳорат олмабди. Таҳорат олмаган намоз ўқимабди. Мени яхши кўрмаган менга имон келтирмабди. Ансорларни яхши кўрмаган мени (ҳам) яхши кўрмабди” (Дароқутний “Сунан”да ривоят қилган. Ҳадис санади заиф).

Ушбу ривоятда ибодат ва эътиқоднинг инкор қилиниши унинг комиллигини инкор қилинишидир. Сабаби имон шартларида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламни яхши кўриш зикр қилинмаган. Фақат у зотни яхши кўриш имон мукаммалигидан далолатдир. У зотни ёмон кўриш нифоқ аломатларидандир. Шунингдек, таҳоратда “бисмиллоҳ” демаган банданинг таҳорати ноқис бўлиши мумкин, аммо бундай таҳорат бутунлай тўғри бўлмайди, дейиш, ҳақиқатдан йироқ. Қуйида келадиган ривоятлар ҳам буни исботлайди.

Ибн Умар розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Ким таҳорат қилиб, таҳоратида Аллоҳнинг исмини зикр қилса, (ўша таҳорати бутун) бадани учун поклик бўлади. Кимки таҳорат қилиб, унда Аллоҳнинг исмини зикр қилмаса, (фақат ўша ювган) аъзолари учун поклик бўлади” (Дароқутний “Сунан”да ривоят қилган).

Яна Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилади: “Кимки таҳорат қилиб, Аллоҳ исмини зикр қилса, унинг бутун жасади покланади. Агар таҳорат пайтида Аллоҳ исмини зикр қилмаса, фақат таҳорат ўрнигина (яъни, таҳоратда ювилган аъзоларгина) покланади” (Дароқутний “Сунан”да ривоят қилган. Ҳадис санади заиф).

Ушбу ҳадис таҳоратда “бисмиллоҳ” дейиш суннат, деганларнинг фикрини тасдиқловчи ҳужжатдир.

Ким таҳорат аввалида “бисмиллоҳ”, деса, унинг бутун бадани, таҳоратда ювмаган аъзолари ҳам покланади. Агар “бисмиллоҳ”ни зикр қилмаса, фақат таҳоратда ювган аъзоларигина покланади. Бу ҳам “бисмиллоҳ” айтилмай қилинган таҳорат тўғри бўлиши, аммо мукамал бўлмай қолишини англатади.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розийаллоҳу анҳу ривоят қилади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг: “Агар сизлардан бирон киши таҳорат қилса, Аллоҳнинг исмини зикр қилсин. Шунда (таҳорат) унинг бутун баданини поклайди. Агар таҳоратида Аллоҳнинг исмини зикр қилмаса, баданининг фақат сув теккан жойигина покланади. Агар таҳоратдан фориғ бўлса, “лаа илааҳа иллаллоҳ ва анна муҳаммадан ʼабдуҳу ва росувлуҳ”, деб шаҳодат келтирсин. Агар шундай деса, унга осмон эшиклари очилади”, деб айтганларини эшитганман” (Дароқутний “Сунан”да ривоят қилган).

Абу Ҳурайра розийаллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Эй Абу Ҳурайра, агар таҳорат қилсанг, “бисмиллааҳ вал-ҳамду лиллааҳ”, деб айтгин. Шунда амалларингни ёзиб турувчи фаришталар таҳоратинг сингунича сенга яхшилик (ажр-савоб) ёзишдан тўхтамайди”, дедилар” (Табароний “Муъжам”да ривоят қилган. Ҳайсамий ривоят санадини ҳасан, деган).

Таҳоратни “бисмиллааҳ” деб бошлаш шарт эмас, аммо мазкур ибодатни Аллоҳнинг исми билан бошлаш афзал. Ушбу ривоятда айтилишича, ким таҳоратни “бисмиллааҳи вал-ҳамду лиллааҳ” деб бошласа, банда амалларини номаи аъмолига ёзиб турувчи фаришталар банда таҳорати сингунича унинг ҳаққига яхшилик, мукофот ва савоблар ёзиб турар экан. Бу хушхабар ҳар биримизни таҳоратни “бисмиллааҳ” билан бошлашга ундаши лозим.

“Бисмиллоҳ”ни таҳорат аввалида айтиш керак. Агар баъзи аъзоларни ювгандан сўнг эслаб, кейин айтса, суннатни бажармаган саналади . Аммо таҳорат бошида унутса, эслаган чоғида айтиб қўявериш керак. Таҳорат қилиб бўлгунча айтишга улгурса бас, шунда таҳорати “бисмиллоҳ”дан холи бўлмайди .

“Бисмиллоҳ” калимаси истинжодан олдин ёки кейин айтилиши борасида ихтилоф қилинган. Баъзилар: “У истинжодан аввал айтилади. Сабаби истинжо таҳоратни очувчи суннатдир”, деса, яна баъзи тоифа уламолар: “Истинжодан сўнг айтилади. Чунки истинжода аврат очилади. Ҳурмат юзасидан бундай ҳолатда Аллоҳ номи тилга олинмайди”, дейишган. Аслида иккала фикр ҳам тўғри. Фақат истинжодан олдинги “бисмиллоҳ”ни ҳожатхонада эмас, балки ташқарида айтиб олинса, яхши бўлади. Истинжодан сўнг қўлларни юваётганда ҳам яна бир бор Аллоҳ номи зикр қилинса, мақсадга мувофиқ бўлади.

Одилхон ИСМОИЛОВ

Тошкент шаҳридаги

“Шайх Зайниддин” жомеъ масжиди имом хатиби